

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2023-6/4**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2023**

<b>Turdaliyeva D., Faxriddinov Sh.F.</b> The etymology of terms used in internet networks in uzbek and english languages	209
<b>Umirzoqova N.A.</b> Fanlar tizimida lingvistik metrologiya	212
<b>Xaydarova M.R., Ximaydinov Sh.S., Beknazarova G.B.</b> The study of the expression of spatial relations in simple and complex sentences	214
<b>Xudoyqulova D.K., Raxmanova A.A., Axmedova T.B., Matyusupova Sh.B.</b> Axborot-izlash tillarini ishlab chiqish orqali ta'riflash, tasniflash va izlashni unifikatsiyalash vositalarini yaratish	216
<b>Xusanova R.X.</b> Farididdun Attorning "Tazkirat ul-avliyo" asarining A. Arberri tarjimasida xususida	220
<b>Yigitaliyeva Sh.I.</b> Tushuncha kognitiv lingvistikaning asosiy birligi sifatida	223
<b>Yuldashev D.T., Kalandarova Sh.S.</b> Lingvofolkloristika va barqaror birikmalar	225
<b>Yuldasheva D.M.</b> Tilshunoslikda fitonim atamasi	227
<b>Yunusova J.B.</b> Lirik matnlarda zid ma'noli so'zlar poetikasi	230
<b>Ziyaeva D.A.</b> Speech activity verbs in the english and uzbek languages	232
<b>Zufarova S.M.</b> Features of learning english grammar	234
<b>Абдуллаева Н.Н.</b> Аспекты появления пословиц и их языка	236
<b>Авезова Г.</b> Полифоник тафаккур тизими бадий яхлитликни таъминловчи унсур сифатида	239
<b>Акифьева О.О.</b> Лексико-семантические поля цвета и их символичность	241
<b>Акрамов Ш.Х.</b> Образ талқинида характернинг бадий концептуал функцияси	245
<b>Ахадова А.</b> Речевая культура в современном обществе	249
<b>Ахмедов Ф.Н., Эльбобо Кизи Н.</b> Обучение русскому языку как иностранному по историям	250
<b>Гайбуллаева Н.И.</b> Касаллик ва саломатлик концепти	252
<b>Гафуров Б.</b> Способы анализа медицинской лексики в текстах рекламы сферы медицины в русском и узбекском языках	255
<b>Гудзина В. А.</b> Смысловые доминанты фелицитарной парадигмы в классической русской поэзии	258
<b>Джалилова Х.М.</b> Европа адабиётда саёхат ва денгиз мотиви	261
<b>Джумаева Н.</b> Фаройиб предметларнинг эртактлардаги функционал-мотивацион моҳияти	263
<b>Ёрова С.К., Азизова Д.А.</b> Мулоқот жараёнидаги тиббий нутқнинг алоҳида тури	265
<b>Жўраев Ж.А.</b> "Гулшанул -асрор" нинг эрон миллий кутубхонасида сақланувчи қўлёзма нусхаси	268
<b>Муродова Д.А.</b> Образ матери в прозе Ч.Т.Айтматова	271
<b>Мухиддинова М.Б.</b> Личные местоимения в публичном тексте	273
<b>Нарматова М.Т.</b> Ҳарбий соҳа тизимида оид лексемалар	276
<b>Обидова Д.А.</b> Тенденции трансформации образа вампира в мировой литературе	279
<b>Осипова А.В.</b> Экзистенциальная эстетика в современной русской литературе	283
<b>Турдыева М.Р.</b> Кинематографичность как ведущий композиционный прием в рассказах В.Токаревой	285
<b>Халилова Д.Ж.</b> Ўлмас Умарбековнинг "Ёз ёмғири" қиссаси детектив асар сифатида	287
<b>Хамдамова Х.Ш.</b> Ўзбек тилшунослигида паремиологик бирликлар ҳақидаги айрим илмий қарашлар	290
<b>Холбобоева А.Ш.</b> Концептларни тадқиқ қилиш усуллари	292
<b>Ходжаева Н.Т.</b> К вопросу об исследовании терминосистемы туризм	295
<b>Худайберганова М.М.</b> Ўзбек ва француз болалар реклама матнида лексик қисқартма	296
<b>Янгибоева А.К.</b> Субъективное значение модальных глаголов в немецком языке	300

3. Куронов Д. ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Академнашр, 2014. –Б. 265.
4. Oxford Dictionary of Literary Terms URL: <http://www.oxfordreference.com/abstract/10.1093/acref/9780199208272.001.0001/acref-9780199208272-e-1162?rskey=Ty6zfi&result=1167>
5. Ирландские саги. – М.-Л., 1961. С. 148
6. Adams, Percy G., "Travel Literature and the Evolution of the Novel" (1983). *Literature in General*. 1. [https://uknowledge.uky.edu/upk\\_literature\\_in\\_general/1](https://uknowledge.uky.edu/upk_literature_in_general/1)

УЎК 808.5

## ҒАРОЙИБ ПРЕДМЕТЛАРНИНГ ЭРТАКЛАРДАГИ ФУНКЦИОНАЛ-МОТИВАЦИОН МОҲИЯТИ

*Н.Джумаева, катта ўқитувчи, PhD, Бухоро Давлат Университети, Бухоро*

**Аннотация.** *Сеҳрли предметларнинг эртақлардаги иштироки сеҳрли фантастик эртақларнинг табиатини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Ғаройиб предметлар эртақ сюжети ва мотивлари билан бевосита боғлиқ ҳолда образлантирилади. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек халқ эртақларидаги сеҳрли предметларнинг функционал-мотивацион моҳияти ҳақида сўз юритилган. Ғаройиб предметларнинг эртақнинг сюжет-мотив композициясидаги ўрни таҳлил қилинган.*

**Калим сўзлар:** *фольклор, сеҳрли-фантастик эртақлар, сеҳрли предметлар, сеҳрли қиллич, сеҳрли узук, сеҳрли қалпоқ, сеҳрли мевалар, сеҳрли ўсимликлар, сеҳрли ҳайвонлар, сеҳрли тўн.*

**Аннотация.** *Наличие волшебных предметов в сказках играет важную роль в определении характера волшебных сказок. Магические предметы изображены в непосредственной связи с сюжетом и мотивами сказки. В данной статье говорится о функционально-мотивационной природе магических предметов в английских и узбекских народных сказках. Анализируется роль волшебных предметов в сюжетно-мотивной композиции сказки.*

**Ключевые слова:** *фольклор, волшебные сказки, волшебные предметы, волшебный меч, волшебное кольцо, волшебная шапка, волшебные фрукты, волшебные растения, волшебные животные, волшебное пальто.*

**Abstract.** *The presence of magical objects in fairy tales plays an important role in determining the nature of magical tales. Magical objects are depicted in direct connection with the plot and motives of the fairy tale. This article discusses the functional and motivational nature of magical objects in English and Uzbek folk tales. The role of magic items in the plot-motive composition of the fairy tale is analyzed.*

**Key words:** *folklore, fairy tales, magic items, magic sword, magic ring, magic cap, magic fruits, magic plants, magic animals, magic coat*

Хаёлий уйдирма, инсонлар орзуларига асосланган сеҳрли эртақларда ғаройиб буюмлар иштироки муҳим аҳамият касб этади. Сеҳрли предметлар эртақлардаги воқеалар тафсилотида сирлилиқ бағишлаб, уларнинг бадий таъсирчанлигини кучайтиради. Шу билан бирга, улардаги сюжет воқеаларининг ривожланиб боришига туртки бўлади ҳамда эртақ қаҳрамонларининг характерини очиқ беришга хизмат қилади. Фольклоршунос К.Имомов уларни “тилсимли предметлар” деб атаган эди. Унинг фикрича, **сеҳрли буюмлар** қаҳрамон атрофидаги ёрдамчи куч вазифасини ўтайди, энг муҳими, эртақларга хос воқеа ва образларни яратувчи бадий тасвир воситалари ҳисобланади[1]. Ғаройиб предметлар эртақ сюжети ва мотивлари билан бевосита боғлиқ ҳолда образлантирилади. Мотив ажралмас ҳикоя бирлиги бўлиб, семантик жиҳатдан мотив ғоясини А.Н.Веселовский фанга киритган ҳамда унинг такрорланиши ва ажралмаслигини асосий хусусият сифатида таъкидлаб ўтган[2]. А.Н.Веселовский сюжетни мотивлар мажмуаси сифатида таърифлар экан, мотивни асосий, сюжетни эса иккинчи даражали деб ҳисоблайди. *Ўғай қизнинг уйни тарк этиши, отанинг уч ўғли борлиги, сеҳрли буюмнинг отадан ўзига мерос қолиши* кабилар мотивга мисол бўла олади. В.Я.Пропп ҳам эртақларни сюжетлар бўйича эмас, балки мотивлар бўйича ўрганиш тўғрилигини таъкидлайди.

Эртақларда қаҳрамоннинг “*сеҳрли предметга эга бўлиши*” мотиви эртақнинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида келтирилади ва бу эртақ композициясида муҳим ўрин тутди[3]. Кўпчилиқ эртақлар сюжети қандайдир бахтсизлик ёки қаҳрамонни уйдан жўнатишни ўз ичига олган бўлиб, бу бахтсизликни енгиш учун эса қаҳрамоннинг қўлига маълум бир сеҳрли восита тушади ва бу натижани белгилайди. Эртақ репертуарида магик воситани қаҳрамонга етказишнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, одатда, бу ҳолатда сюжетга янги персонаж киритилади ва бу персонаж орқали қаҳрамон ғаройиб буюмга эга бўлади.

Эртақларнинг қаҳрамонлари ғаройиб буюмларни кўпинча *ҳомийлар*, яъни *сеҳргар чол* ёки *камтир* томонидан қилинган эҳсон сифатида қўлга киритадилар. Улар қилган қайсидир яхши иши

эвазига бундай ҳадыга эга бўладилар. Масалан, “Red Ettin” эртагида кенжа ўғил йўлида йўлиққан камбағал кампир кўринишидаги сеҳргарга онаси пишириб берган ширин кулчадан қизганмай бергани учун *сеҳрли таёқчага* эга бўлади ва унинг ёрдамида йиртқич ҳайвонларга қарши курашиб, уларни енгиб, мақсадига эришади. “Jack the Giant Killer”, “Three Heads of the Well”, “Princess of Colchester” каби инглиз халқ эртақларида ҳам бу мотивни кўриш мумкин.

Қаҳрамонлар бирор-бир жониворни ўлимдан ёки ноқулай вазиятдан қутқариб қолгани учун улар томонидан тилсим предмет билан тақдирланадилар. Тилсим предмет билан тақдирланиш мотиви “Тўти лабба ўти”, “Ур тўқмоқ” эртақлари сюжетида учрайди. “Тўти лабба ўти” эртагида қаҳрамон лайлакни тузоқдан озод қилгани учун сеҳрли *Тўти лабба ўти*ни олади. У ўз магик қудрати билан қаҳрамоннинг барча истакларини юзага чиқаради. Баъзи эртақларда эса қаҳрамоннинг ўзи сеҳрли буюмларни мифологик салбий образлардан тортиб олади. Инглиз эртаги “Molly Whuppie”да қаҳрамоннинг девдан сеҳрли ҳамён, қилич ва узукни тортиб олиши мотиви бунга мисол бўла олади.

Эртақларда қаҳрамоннинг сеҳрли қобилияти ундаги сирли предмет билан боғлиқ бўлади. Қадимда аёллар ва болалар орасида маросимларга бошчилик қилувчиларда сеҳрли предметлар бор деган ишонч тарқалган. Яна бир таълимотда ёрдамчи буюмларнинг руҳи бор деган эътиқод ҳамда кўрикчи руҳга эга бўлиш маросимлари бўлганлиги айтилади[4].

В.Я.Пропп сеҳрли эртақлардаги образлар вазифаларини гуруҳларга ажратар экан, уларда сеҳрли предметларнинг иштирокига катта эътибор қаратади. *Салбий қаҳрамоннинг ўз қурбонига зарар етказиши* вазифасида сеҳрли буюм орқали зарар беришини кўриш мумкин ва бунда қаҳрамон ғаройиб предмет таъсирига тушиб қолиши кузатилади. Масалан, сеҳрли ичимликни ичиб, уйкуга кетиши ёки сеҳрли егуликни еб вафот этишини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. *Салбий қаҳрамоннинг ижобий қаҳрамон оила аъзоларига зарар бериши* вазифасида эса сеҳрли буюмни тортиб олиш зарар бериш йўлларида бири сифатида берилади. *Оила аъзоларидан бирининг нимагадир муҳтож бўлиши* мотивига ғаройиб предметга муҳтож бўлиш мотивининг боғланиши кузатилади. Бунга сеҳрли қилич, олма, тухум кабиларни мисол қилса бўлади.

Эртақларда қаҳрамон синовдан ўтиши, ундан ниманидир сўраш ёки ҳужум қилиниши орқали сеҳрли буюмга эга бўлиши ҳам тасвирланади. *Қаҳрамоннинг сеҳрли воситага эга бўлиши* сеҳрли буюм иштирок этган эртақлардаги асосий мотивлардан бири ҳисобланиб, унга боғлиқ бошқа мотивлар билан биргаликда сюжетни ташкил этади. *Қаҳрамоннинг ўз мақсадига эришиши* учун маълум бир узоқ масканга етиб келиши ҳам сеҳрли предметнинг вазифаси, ҳам мотив бўлиб, кўп эртақларда бу нарса сеҳрли гилам, сеҳрли шиппак, сеҳрли супурги каби образлар орқали амалга оширилади. *Бахтсизлик ёки камбағалликнинг йўқолиши* мотиви эртақларда ғаройиб предмет воситасида вужудга келади ва бунга жаҳон эртақларидаги узук, тилла тухум, олхўри, нок, хумча, очилдастурхон каби сеҳрли буюмларнинг бойлик манбаи вазифасида келиши мисол бўла олади. *Қаҳрамон уни таъқиб этаётган душмандан қутулиши*да турли предметлар кўмагидан фойдаланади. Бунга рақиб йўлини тўсишга хизмат қиладиган сеҳрли тароқ, сочтўғноғич, шиша идиш, ойна, шунингдек, уни яшириб ёрдам берадиган печь, дарахт кабилар киради. *Қаҳрамоннинг қийин вазифаларни бажариши, эврилиши, салбий образнинг жазоланиши* каби мотивларда ҳам ғаройиб предметлар иштироки кузатилади.

Нафақат ўзбек, балки жаҳондаги кўпгина халқ эртақларида тилсимли тарзда тасвирланувчи сеҳрли қилич, сеҳрли пичоқ, сеҳрли чирок, ойнаи жаҳоннамо, сеҳрли тароқ, очил дастурхон, қайнар хумча ё кўза, ур тўқмоқ, сеҳрли чолғу асбоби (най, арфа), учар этик, учар гилам, сеҳрли бош кийим (қалпоқ, шляпа), сеҳрли тўн (пальто), сангилсополтош, ҳайвон териси, соч, тиш, тирноқ, қурол-яроғлар, чакмоқтош, кўғирчоқ ва бошқалар ўзида Шарқ ва Ғарб эпик анъаналарини мужассамлантиргани билан эътиборни тортади[5].

Дэн Фэнг ўзининг “Magical Objects in Victorian Literature: Enchantment, Narrative Imagination, and the Power of Things” (“Виктория даври адабиётида магик буюмлар: Сеҳр, ҳикоявий тасаввур ва буюмлар кучи”) номи тадқиқотида Виктория даври адабиёти дурдоналарида, шу жумладан, эртақларда магик буюмларнинг иштироки, уларнинг келиб чиқиши, турлари ва асар бадииятидаги роли ҳақида фикр юритган[6]. Виктория даври адабиёти намуналарида сеҳр-жоду, предметларнинг сеҳрлантирилиши, тилсим предметлар асар бадииятининг элементи эканлиги, эртақ ва бошқа адабий жанрларда магик буюмларнинг ишлатилиши ҳақида гапирилган. Муаллиф сеҳрли буюмларнинг асар бадииятидаги ўрни бекиёс эканлигини таъкидлар экан, замонавий адабиётда ҳам сеҳрли буюмларнинг иштироки ҳақида тўхталиб ўтади. Тадқиқот ишида сеҳрли буюмлардан кўзгу, ҳамён, чирок, учар гилам, қалпоқ, кўғирчоқ, олмос кабиларнинг сеҳрли, бадий талқини таҳлил қилинган. Британия фольклори ва эртақларида учрайдиган сеҳрли предметлар билан бирга “Минг бир кеча” эртақлари таъсирида Британия адабиётига кириб келган, асли келиб чиқиш ўрни араб

мамлакатлари бўлган *учар гилам* ва *сеҳрли чироқ* каби сеҳрли предметлар генезиси ва бадиияти ҳам тадқиқ қилинган. Муаллиф фольклор мотивлари ва сеҳрли буюмлар ёзма адабиётга кўчганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади.

Анна Сколей “Magical Rings in Middle English Romance” (“Ўрта инглиз даври романларида сеҳрли узуклар”) номли тадқиқот ишида сеҳрли узук образининг турли кўринишлари ва функцияларини таҳлил қилар экан, дастлаб узук ва ундаги тошлар тарихи ҳақида батафсил маълумот бериб ўтади. Муаллиф сеҳрли предметларни тушуниш учун улар билан боғлиқ воқеалар, эътиқод ва тушунчаларни ўрганиш зарурлигини айтиб ўтади[7]. Шунингдек, сеҳрли узуклар ва улардаги тошларнинг вазифалари, улар билан боғлиқ мотивлар ўрта аср маданияти ва халқнинг ишонч-эътиқодларидан келиб чиққанини ҳам ёзади. Ҳар бир давр эртаги ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, тарихий воқеаларини, муаммоларини акс эттирибгина қолмай, бу муаммоларни ечишда, ёмонлик устидан ғалаба қозонишда, фаровон ҳаётга эришишда халқнинг орзу-истаклари сеҳрли предметларнинг образлантирилиши орқали намоён бўлади. Инсонлар онгида, тафаккурида пайдо бўлган ғоя ва истаклар халқ эртақларида вербаллашади.

Мухтасар қилиб айтганда, сеҳрли предметларнинг эртақлардаги иштироки бу жанр намуналарини сеҳрли-фантастик эртақлар сирасига киритишга асос яратади, эртақ бадиийлигини оширади, сюжет воқеаларининг ривожланишига ҳисса қўшади ва эртақдаги мотивлар билан чамбарчас боғлиқликда ҳаракатланади. Шу маънода улар сеҳрли-фантастик эртақларнинг табиатини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Имомов К. Эртақ // Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б.69-70.
2. <https://gigafox.ru/uz/eko/motiv-v-literaturnom-proizvedenii-raznoobrazie-motivov/>
3. Пропп В. Морфология волшебной сказки. – Л: Азбука-Аттикус, 1986. – С.27.
4. Пропп В. Исторические корни волшебной сказки. –Л: Питер, 1946. –С.45.
5. Чистов К.В. Сравнительный указатель сюжетов. Восточнославянская сказка. – Л.: Наука, 1979. – С.159-168.
6. Fang D. Magical objects in Victorian literature. Enchantment, Narrative Imagination, and the Power of Things. Dissertation for the degree of doctor of philosophy, 2015.
7. Scholey A. Magical Rings in Middle English Romance. An Interdisciplinary Study in Medieval Literature and Material Culture. – Birmingham, 2009.
8. Джумаева, Н. (2022). Выражение антропоцентризма в образе магических предметов в сказках. Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 18(18).
9. Джумаева, Н. (2021). Тилсим предметларнинг эртақлардаги талқини (Инглиз ва ўзбек халқ эртақлари мисолида). Центр научных публикаций (buxdu.uz), 22(22).
10. Djurabayeva, D. N. (2022). Expression of anthropocentrism in the image of magical objects in fairy tales. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 12(5), 1043-1047.
11. Rasulov, Z. I., & Saidov, K. S. (2022). Linguistic Economy as an Inseparable Law of Language Evolution. Integration of Pragmalinguistics, Functional Translation Studies and Language Teaching Processes, 8–12. <https://www.conferenceseries.info/index.php/online/article/view/28>.

УЎК 811

### МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДАГИ ТИББИЙ НУТҚНИНГ АЛОҲИДА ТУРИ

*С.К.Ёрова, PhD, Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети, Самарқанд*  
*Д.А.Азизова, ўқитувчи, Тошкент Давлат Иқтисодий Университети Самарқанд филиали,*  
*Самарқанд*

**Аннотация.** Лисоний шахс тилишунослик назарияси объекти сифатида бугунги кундаги тилишуносликка алоқадор бўлган кўплаб функционал стилистика, нутқ маданияти, риторика, прагматингвистика, психолингвистика, когнитив тилишунослик, социология, этнолингвистика, лингвомаданиятшунослик, матн тилишунослиги каби хусусий илмий соҳалар эътиборида бўлиб келмоқда. Маълумки, инсонни ўрганишда тил асосий восита саналади. Шундай экан, шахс билан алоқадор бўлган тадқиқотлар тилишуносликдан ташқарида ёки тилни ўрганишда шахсни эътиборга олмасликнинг иложи йўқ.

**Калит сўзлар:** когнитив тилишунослик, социология, прагматингвистика, лингвопрагматика, концептуаллашулик, тиббиёт соҳаси.

**Аннотация.** Языковая личность как объект теории языкознания находится в центре внимания многих частных научных направлений, связанных с современным языкознанием, таких как функциональная стилистика, культура речи, риторика, прагматингвистика, психолингвистика, когнитивная лингвистика, социология, этнолингвистика, лингвистика, лингвистика текста. Известно, что язык является основным инструментом в обучении человека. Поэтому личностные исследования не могут быть вне языкознания или без личности в изучении языка.